

9-may
2024-yil 19 (1069)



АХС



IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETASI

GAZETA 2004-YIL 1-YANVARDAN CHOP ETILA BOSHLAGAN © 21asr.uz © XXI_asr@mail.ru @XXIasr_yangiliklari XXIasrgazetasi asr_xabarlar_i_news

/// 9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ



МИЛЛИОН ЛАРДАН БИРИ...

Жаҳон тарихидаги сўнги энг мудҳиш уруш бошланганига 85, якунланганига 79 йил тўлапти. Утган асрнинг тўртинчи ўн йиллиги арафасида Европа марказида ёқилган муҳораба олови юртимизга ҳам ёвуз чангаллини солган. Тараққийпарвар инсониятни фашизм аталган қабоҳатдан қутқариш учун минг-минглаб йигитлар ажал майдонига отланган. Урушга, фронт ортига биргина бизнинг республикамиздан 1 миллион 433 минг 230 нафар киши жалб қилинган қайд этилган ҳужжатларда. Улардан 604 минг нафари ногирон бўлиб қайтган, 450 минг нафарига эса она Ватанга қайтиш насиб этмаган.

Йўқотишларни тасаввур қилаяспизми? Урушда ҳалок бўлганларнинг тўрт юз мингдан ортиғи ҳали ўн гулдан бир гули ҳам очилмаган, уйланмаган бўз йигитлар эди. Иккинчи жаҳон урушидаги талофатларни ўрганган тарихчилар асосан 1923-1924 йилларда туғилган йигитлар энг кўп қурбон кетганини айтишади. Ахир улар 18-19 яшар ўсмирлар бўлишган, аксари умрида қўлига қурол ушлаб кўрмаган.

Бутун Европани жанггоҳлар оралаб пойи пиёда кезиб чиққан, ҳар сонияда ажал билан юзма-юз келган жасур аскарлар орасида гурланлик Бобожон ота Мадаминов ҳам бор эди. У 1919 йили туғилган. Урушга чақирилганида 23 ёшда бўлган. Паст-баландни англагани, балки тақдирига омон қолиш ёзилганидан ғалаба кунларини кўрганлар қаторида она тупроғига тирик қайтгандир.

Урушдан қайтмаган йигитларнинг қабрлари бутун қитъа бўйлаб пайдо бўлган “Аскарлар қабристонлари” да мангу кўним топган. Улардан келган “қора хат”лар гўшангаси совимаган келинчақлар, фарзанди дийдорига зор онаизорларнинг бағирларида ёниб, қулга айланган...

– Бошқа жойларни қўявер, болам, биргина бизнинг Гурландан урушга олинган йигитларнинг ярмидан кўпроғи тақдирига юртга қайтиш битилмаган экан, – деб хўрсиниб гурун беради 106 ёшли Бобожон бобо Мадаминонов. – Омон-эсон қайтганларнинг аксари ногирон. Бу ёқда фронт чизиқларидан узоқда бўлса-да, бор топганини ғалаба тезроқ келиши учун атаган, очлик, қаҳатчилик, юқумли касалликлар туфайли тутдек тўкилган, вайронага айланган юртни қайта тиклаш вазифаси турарди. Бу жараён ҳам бизнинг авлод елкасига тушди. Устимиз бут, қорнимиз тўқ бўлиши орзусида кечано кундуз меҳнат қилдик. Еруғ кунлар келишини орзиқиб кутдик. Биз кўрган офатларни – урушни, йўқчиликни фарзандларимиз кўрмасин, деб қўлимиз ҳамиша дуода бўлди.

Аллоҳнинг иноятига қарангки, юрт мустақил, обод ва фаровон бўлишини кўриш насиб қилди менга. Бир асрдан ошган умримдан чиқарган хулосам шуки, ҳеч қачон уруш бўлмасин! Тинчликка нима етсин! Ахир “Бир кун жанжал чиққан уйдан қирқ кун барака қочади”, деб боболаримиз бехуда айтишмаган. Ҳозир дунёнинг қай бурчагида бўла-

ётган урушлар ҳақида эшитсам, кўз ўнгимга йигит ёшида ўққа учган тенгқурларим келади. Юртимизда тинчликни сақлаб турган кексаю ёшларимизнинг бахтли, саодатли яшаши учун барча шарт-шароит, имкониятларни яратишга бош-қош бўлаётган қадрли Президентимизга мингдан минг раҳматлар айтаман!

Бобожон бува урушнинг энг авж палласи, яъни 1943 йил 17 июнда фронтга кетган экан. Ленинград фронтинда жангларда қатнашган. Жасурлиги, қатъиятлиги учун сержант унвони берилган, взвод командири бўлган. Икки марта яраланиб, даволаниб чиққан, яна жангга кирган... 1946 йил декабрда Ўзбекистонга қайтиб, 1986 йилгача турли соҳаларда хизмат қилган. Оила қуриб, тўрт фарзандни вояга етказган. Бугун 106 ёшга қадам қўйган бобонинг чеваралари ўттизга яқинлашиб қолди. Уч эвара си ҳам бор.

Бугун юртимизда Иккинчи жаҳон урушида иштирок этганлардан 79 нафари ҳаёт, уларнинг беш нафари хоразмлик. Ҳазораслик Бекчон бува Матназаров, кўшкўпирлик Вафо ота Искандаров, янгибозорлик Амин бува Матниёзов, урганчилик Собир ота Қурбонов ва гурланлик Бобожон бува Мадаминонов. Собиж аскарларнинг энг кичиги аллақачон 100 ёшдан ҳатлаган.

Инсоният тарихидаги энг машъум урушдан омон қайтган элдошларимиз – миллионлардан қолганлари бугун невара-чеваралари ардоғида осойишта турмуш кечирмоқда.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” мухбири

БОБОЖОН БОБОГА БАҒИШЛОВ

Тенгдошлари йўқ энди унинг,
Гўё улкан жангга сафарбар.
Бирин-кетин кетиб қолишди,
Қайтмайдиган бўлиб бу сафар.

Энди...
Кунлар узундан узун,
Қийин кечар тонгнинг отмоғи.
Тунлар бўйи оғриб чиқади,
Ўқлар тешиб кетган оёғи.

Кимларнидир соғинар эзгин,
Маҳзун тушлар қалбин заҳарлар.
...Қирқ биринчи йилнинг қоқ ёзи,
Саф-саф бўлиб борар аскарлар...

Содиқжон ИНОЯТОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

МИСРНИНГ МАНГУ СИРЛАРИ

- **ВАҚТ ЭҲРОМЛАРДАН ҚЎРҚАДИ...МИ?** ✓
- **ЕТТИ МЎЪЖИЗАНИНГ БИРИ** ✓
- **“ИЛТИМОС, ФАРҒОНИЙ ПОЙИНИ СУПУРАЙЛИК”...** ✓
- **ЖУРНАЛИСТ – ДУНЁНИНГ КЎПРИГИ** ✓
- **ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН ХАЛҚИМ, ЎЗИНГДАН!** ✓



Ҳар биримизнинг кўнги ойнамиз бор: айниқса, хорижга отланаётган маҳалинг у янада ойдинлашади. Қарайсан, солиштирасан, нега, нима учун, у ёқда қандай, бизда-чи, деган саволлар миянгни ғижимлайверади. Бошқаларни билмадим, лекин мен ҳар гал Ватан сарҳадидан чиқаётганимда ана шу кўзгу-тарозига ўзимни эмас, юртимни, содда, ҳокисор, бағрикенг одамларимизни қўяман. Бу гал бир ҳафталик Миср сафарида ҳам унга қайта-қайта нигоҳ ташладим.



4

“Ишбилармон аёл – 2024”

ҚЎЛИ ГУЛ,
СЎЗИ ДУР

Бир пайтлар “Аёллар дафтари” да турган бўлишига қарамасдан, қўллаб-қувватланиши ортидан ўз бизнесини йўлга қўйиб, маҳалладошларини ҳам ишли қилганларини тўлқинланиб сўзлашди.

/// O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Унда жорий йилнинг 2-3 май кунлари ўтказилган учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган устувор йўналишларнинг аҳамияти атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мамлакатлар иқтисодий ва ривожлантиришда барқарор ва жозибдор инвестиция муҳити муҳим роль ўйнайди. Глобализация ва жаҳон бозорида рақобат кучайиб бораётган шартларда Ўзбекистон учун ҳам барқарор иқтисодий ўсишга, ҳам мамлакатни ҳар томонлама ривожлантиришга хизмат қиладиган инвестицияларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш катта аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш, хусусан, иқтисодийнинг турли тармоқларини рағбатлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича дадил қадамларни қўйди. Шу билан бирга, эришилган ютуқларга қарамай, барқарор инвестициявий муҳитни таъминлаш билан боғлиқ масалалар долзарблигига қолмоқда ва янада такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Мунозаралар домида О'zLiDeP фракцияси раҳбари Ақтам Хаитов инвестиция соҳасини янада ривожлантириш партиянинг гоя ва мақсадларидан бири бўлиб, ушбу йўналишда амалга оширилаётган барча ислохотларда бу сиёсий куч фаол иштирокчи бўлганини қайд этди. Форум домида илгари сурилган муҳим тақдирлар Ўзбекистон иқтисодий ва инвестицияларнинг янада фаол жалб қилинишига тўғрисида аниқ рақамлар билан таъкидланди.

линишига тўғрисида аниқ рақамлар билан таъкидланди.

– Тошкент халқаро инвестиция форуми Ўзбекистонни янада изчил ривожлантириш йўлидаги истиқболли стратегик қадамдир, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам ХАИТОВ. – Ушбу форум қисқа вақт ичида нафақат юртимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун кенг қўламли тадбирлардан бирига айланди. Тошкент формати нуфузининг ортиб бораётгани мамлакатимизда ортга қайтмас ислохотларга, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйишга бўлган улкан қизиқишдан далолат беради.

Қизғин муҳокамалар, савол-жавоблар домида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган аниқ тақдирлардан келиб чиқиб, партия ва фракция олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда, шунингдек, “Фитосанитария талаблари енгиллаштирилиши муносабати билан “Усимликлар карантини тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига қўшимча ва ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан “Усимликлар карантини тўғрисида”ги қонунга халқаро амалиётга мувофиқ фитосанитария сертификати ёки гувоҳномасини олиш талаб этилмайдиган карантин остидаги маҳсулотни олиб киришда экспорт қилувчи мамлакатнинг фитосанитария сертификати ёки гувоҳномасини талаб этиш амалиёти бекор қилиниши



назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартириш киритилмоқда, – деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'zLiDeP фракцияси аъзоси Бахитбай Алдамуратов. – Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида фракциядошларимиз томонидан берилган тақдирлар эътиборга олинганга гувоҳ бўлдим. Ўз навбатида, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши фитосанитария талабларини енгиллаштириш орқали тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Йиғилишда фракция фаолиятига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, “XXI asr” мухбири

/// МУНОСАБАТ



Шухрат АСЛАНОВ,
“Шўртан газ кимё мажмуаси” МЧЖ Бош директори, О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК: ИШОНЧЛИ ВА УЗОҚ МУДДАТЛИ ҲАМКОРЛИК

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ УЧИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИНИНГ ЯЛПИ МАЖЛИСИДА БЕВОСИТА ИШТИРОК ЭТИБ, МАМЛАКАТИМИЗНИНГ САРМОЯЛАР СОҲАСИДАГИ СИЁСАТИ ВА ХОРИЖИЙ ШЕРИКЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ БЕЛГИЛАБ БЕРДИ.

Жаҳон ҳамжамиятининг диққатини тортган нуфузли анжуманда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инвестициялар бу – мамлакатимиз трансформациясининг локомотиви ва иқтисодий тараққиётимизнинг мустақкам драйверидир. Юртимизда юқори технологик лойиҳаларни амалга ошириш учун инвесторларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш бугуннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Мамлакатимизда саноат зоналарини бошқаришда хусусий операторлар, жумладан, юксак маъналик хорижий компанияларни фаол жалб қилиш борасида кенг қўламли ишлар бошлаб юборилган.

Мисол учун, махсус иқтисодий зоналар фаолият муддатлари бўйича чекловлар бекор қилинади. Хорижий сармоядорлар учун ерларни ижарага бериш муддати 25 йилдан 49 йилгача, яъни икки баробар узайтирилиши ҳамда қонунлар билан кафолатланган амалдаги имтиёз ва преференцияларнинг тўлиқ сақлаб қолиниши инвестиция муҳитини яхшилашга хизмат қилади.

Юртимизда энергетика тармоғи самарадорлигини ошириш мақсадида 28 та лойиҳа устида ишлар давом эттирилмоқда. 2030 йилгача 20 гавватдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватлари яратилиб, энергетика балансида унинг улуши 40 фоизга етказилади. Утган йилнинг узида 1,4 гавват қувватдаги йирик шамол ва кўёш электр станциялари стратегик шерикларимиз бўлган “Masdar”, “Gezhouba”, “China Energy” компаниялари билан бирга ишга туширилди. Шунингдек, “ACWA Power” билан “яшил водород” ишлаб чиқариш лойиҳасига ҳам старт берилган бўлиб, ушбу лойиҳалар давлат-хусусий шериклик тамойили асосида – тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга оширилмоқда.

Қашқадарё вилоятида ҳам “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида белгиланган вазифалар ижросини бажариш юзасидан қатор ижобий ишлар жадал давом этмоқда.

Хусусан, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этиб келинмоқда. Бунинг 2023 йилда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 58,4 трлн сўмни ташкил этгани ҳам кўрсатиб турибди.

Ушбу саноат тармоғи рағбатлантириш, соҳаларни уйғун ривожлантириш учун зарурий имкониятлар ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш бериш орқали корхоналар улушини ошириш бугуннинг асосий талабидир. Шунга қўра, ҳудудга чет эллик сармоядорларни кенг жалб этиш, маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Ушбу саноат тармоғи рағбатлантириш, соҳаларни уйғун ривожлантириш учун зарурий имкониятлар ҳамда қулай шарт-шароитлар яратиш бериш орқали корхоналар улушини ошириш бугуннинг асосий талабидир. Шунга қўра, ҳудудга чет эллик сармоядорларни кенг жалб этиш, маҳаллий хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва илғор технологияларга асосланган саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

сон туманидаги “Бунёдкор”, Қарши шаҳридаги “Sulton teks group” МЧЖлар томонидан матони бўяшни йўлга қўйиш мақсадида 2 та лойиҳа амалиётга жорий этилди. Унга қўра, етиштирилган пахта хомашёсини тайёр маҳсулотга қайта ишлаб чиқариш бошқичлари ўзлаштирилган бўлди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг 45, 46, 47, 48 ва 49-мақсадларида инвестиция комплексини ривожлантириш борасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш ҳар бир мутасаддида алоҳида масъулият юклайди. Бу жараёнда маҳаллий кенгашларга О'zLiDePдан сайланган ҳар бир депутатнинг ҳам ўз ўрни бор.

Ялпи ҳудудий маҳсулот аслида кенг тушунча бўлиб, маълум бир вақт оралиғида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг миқдорий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичдир. Инвестициялар, саноат ва ташқи савдо сиёсатини амалга ошириш эъвазига 2030 йилга бориб мамлакатимиз жон бошига ҳисоблаганда, аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши кўзда тутилмоқда.

Қашқадарё вилоятида экспорт ҳажмини ошириш ва импортни камайтириш мақсадида бу йил 55 та корхона ишга туширилиб, улар томонидан маҳаллий хомашёни илғор технологиялар асосида қайта ишлаш орқали 1 трлн сўмлик маҳсулот тайёрлаш режалаштирилган. Жумладан, Кито туманидаги “Kifti-ob dori darmom”, Косон туманидаги “Rapid rise technoprom” МЧЖлар томонидан биологик фаол қўшимчалар ҳамда бурғиллаш ускуналари (*вибросито*) ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Саноатнинг “драйвер” соҳаларини ривожлантириш ҳамда ҳудудларнинг индустрия салоҳиятини тўлиқ ишга солиш орқали жорий йилда вилоятда ишлаб чиқариш ҳажми 34,9 трлн сўмга етказилиб, бунда ҳудудий саноат ҳажми 12,7 трлн сўмдан оширилади.

Утган 3 ойда 79 та тармоқ ва 3 459 та ҳудудий корхона томонидан 7,3 трлн сўмлик маҳсулот тайёрланди. Жорий йилда озиқ-овқат саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш дастури доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш 25 фоизга кўпаяди. Вилоятнинг инвестициявий жозибдорлигини янада ошириш ва қимматли қоғозлар бозорини жадал ривожлантириш мақсадида 40 дан ортиқ хорижий давлатлар билан инвестицион муҳит яратилган. 1 чоракда 152 млн доллар тўғридан-тўғри инвестициялар ўзлаштиришга эришилди. Утган йили 377,2 млн доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилган бўлса, жорий йилда ушбу рақам 825,7 млн долларни ташкил этади. Хорижий инвестиция ва дастурлар бўйича 154,6 млн доллар хорижий кафолатланмаган кредитларни жалб этиш кўзда тутилган.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда хорижий ҳамкор ва инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш ҳамда бундай лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни бундан-да жадаллаштириш, уларнинг ҳақ-хуқуқларини янада мустақкамлаш аҳоли бандлигини, юрт фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

/// САХОВАТ

Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманининг қадим қишлоқларидаги биридаги каттагина элат бугун Ёқтилик ва Машбал маҳаллаларига ажратилган. Аҳоли ўсиши, янги ер майдонлари очилиши ортидан ҳар бир маҳалла бундайроқ қишлоқ кўринишига етган аллақачон.



ЖУРНАЛИСТ... КЎПРИК ҚУРДИ

Деярли юз йил муқаддам бу қишлоқни қоқ иккига бўлиб ариқ қазилган ва унга “Пахта арна” номини беришган. Аму-дарёдан сув олаётган ариқ бу ҳудуд деҳқонларининг асрий орзуларини рўёбга чиқарган. Аммо...

Эни салкам қирқ метрлар келадиган ариқ мозорию тўй-томосҳаси бир элни иккига ажратганки, қўшни маҳаллада биров қаёқ қилса, одамлар тобутни салкам беш чақирим йўл босиб, қабристонга олиб келишга мажбур эди. Сабаби, уртада икки маҳаллани боғлаб турадиган кўприк йўқ эди-да. Тўғрироғи, Иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда қурилган ёғоч кўприк қўлга бермаган. Сўнг темир ва ёғочдан қурилган осма пиёдалар кўприги узоқ дол бермаган. Бу ёқда ўқувчилар ҳар кунни мактабга боришда, кексалар ҳафтасига бир марта жума намозини адо этишда, аҳоли бозор-ўчарга бориб келишда қийналишганини айтиб ўтирмайлик.

Маҳаллий мулозимлар



кўп йиллардан буён икки маҳалла аҳли муурожаатларига тайинли ечим топа олишмаганини ҳам эслатиб қўйиш бурчимиз. Ҳатто шу оддий – пиёдалар кўприги қуришга чет эл инвесторларини ҳам жалб қилишган, аммо ечим негадир чўзилгандан-чўзилган.

Ва ниҳоят яқинда Пахта арна устида узунлиги 40, эни 2,7 метр бўлган пиёдалар кўприги бунёд этилди! Кўприк те-

даман, деб оёқни узатиб, қўл қовуштириб ўтирмади. Ажойиб савобли ишга қўл урди – кўприк қуриб берди.

Қадрдонимиз Мирза Абдуллаев билан кўприк қурилишига доир муаммолар ҳақида анчагина суҳбатлашдик. Гурунг сўнгиде ушбу пиёдалар кўприги учун қанча маблағ кетгани билан ҳам қизиқдик. Саховатли ҳамкасбимиз бу саволимизни жавобсиз қолдирди ва минг бир истихоло билан “Шуни ёзмай қўя қолинг, миннатга ўтиб қолмасин, тағин” деди...

Шу ўринда кўнгилдан кечган бир иддаони ҳам ёзмасак бўлмайди. Ҳар икки маҳаллада ҳам бадавлат фермерлар, тадбиркорлар кам эмас. Аммо улар бир четда қолиб, савобнинг каттаси нафақадга оддий журналистада кетгани биз учун қувонарли. Қанийди, ҳар бир элату маҳаллада шундай савобта-лаб инсонлар кўпаявдеса.

...Мирзо Абдуллаев журналист сифатида иш фаолиятини “Туркистон” (ҳозирги “Ёшлар овози”) газетасида бошлаган. Кейинчалик республика Божхона қўмитаси матбуот хизматида бир муддат ишлади. Сўнг узоқ йиллар – истеъфога чиққунча Хоразм вилоят ИИБ матбуот хизмати раҳбари бўлди. Ички ишлар зобити, пенсия-

Рўзимбой ҲАСАН, “XXI asr” мухбири



◀◀ Бошланиши 1-саҳифада.

...Инсоният тарихининг олтин бешикларидан бири бўлмиш Қоҳира шаҳридами. Қадим Миср пойтахтининг мўъжазгина бир бурчагида Ватанимиз номини ҳар лаҳзада эслатиб тургувчи элчинонамиз жойлашган. Бир кун аввал бу ерда дунё адабиёти саҳифасида ўзининг "Ўткан кунлар" романи билан ўлмас из қолдирган Абдулла Қодирий номи ўзбек, араб ва инглиз, рус тилларида неча юз марта тилга олинганда юракларимиз ҳаяжонга тўлди.

"Миср эҳромларини кўрмасиз, дунёга келмасиз, бу ёқларга нечанчи марта келаётганимни ўзимам билмайман, тўғриси", дейди ҳазил аралаш 14 кишилик ижодкорлар гуруҳини сафарга бошлаган таниқли журналист, жаҳонгашта устозимиз Муҳаммадҷон Обидов.

Яна бир қизиқ иборани эшитгансиз: "Миср – Нилнинг туҳфаси"! Нега? Хўш, агар бутун Африка қитъасини айланчи оқадиган бу азим дарё бўлмаганида ҳар икки томони ҳам саҳро билан ўраб олинган заминда бирор гирё ўсармиди? Аллоҳнинг марҳамати ва синовларини кўрингки, айнан дунёдаги энг узун (6 670 км) дарё ҳисобланган Нилнинг ҳар йили гоҳ тошиб, гоҳ камайиши унинг қирғоқларида жойлашган ўлкаларнинг гуллаб-яшнашига хизмат қилиб келмоқда. Табиат синовларини қарангки, бу ёқларда ёмғир ёғса байрам бўлар экан...

Эҳромлар пойига йўл оламиз. Гид-кузатувчимиз рус тилини шу даражада тез ва бузиб гапирардики, нима деганини яна тушуниш мумкин бўлди. Шу баҳонада бир таклифни ўртага ташламоқчимиз: яъни, **Ўзбекистон ва Мисрнинг туризм соҳасига жавобгар масъул раҳбарлари ўзбек-араб тиллари бўйича гид-таржимонларни тайёрлаш ва ана шундай машҳур сайёҳлик манзиллари йўналтириш масаласини кечиктирмасдан жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим.** Чунки бу ҳам аслида ўзига хос инвестиция-ку! Кузатган бўлсангиз, бошқа мамлакатларда ҳам фақат рус тилини чала-чулла ўрганиб олган гидлар хизмат қилишади. Ахир давлатимиз раҳбари, яна қаерда денг, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидек юксак минбарда ёки бошқа нуфузли халқаро анжуманларда ҳам ўз она тилимизда нутқ ирод қилиб турган бир пайтда нега энди биз бошқа тилда зўрга тили айланаётган одамнинг озгига термилиб туришимиз керак?

Дарвоқе, Миср эҳромларининг сири ҳақида олимлар неча ўнлаб асрларки, ҳамон турли хил тахмину фаразлардан нарига ўтолмаяпти. Ҳатто тарихчилар орасида "Ер юзидидаги барча тирик мавжудотлар вақтдан кўрқадди, вақтининг ўзи эса эҳромлардан" деган ҳазиломуз ёбора ҳам машҳур. Не бўлганда ҳам, тараққиёт асри саналмиш XXI асрнинг иккинчи ўн йиллигида ҳам бу улкан "тоғ"ларнинг қандай ва нима учун қурилгани ҳамон жумбоқлигича қолти келаётди. Ҳозирги қонгача нималар дейилмади. Ҳатто уларни ўтмиш цивилизацияларининг яширин номлари ёки ўзга сайёраликларнинг "мероси" ёхуд афсонавий Атлантидадан эсдалликлар дейишди.

Лекин изланишлар ҳамон давом этмоқда. Биз эса бор-йўғи олис бир ўлкадан икки-уч кунга борган оддий зиёратчилар бўлсак. Кўз олдимиздаги хайратомуз тош минораларни томошқа қилиш ва соддалигимизни ҳар қадамда суниестемол этмоққа ҳозир у нозир маҳаллини кирақашу аравақашга Яратгандан инсоф тилаймиз, холос.

Эҳромлар тарихига оид яна бир янгилик хориж матбуотида эълон қилинган эди: "Қоҳирадаги Шарқ археологияси Француз институти ва Англиядаги Ливерпул университети олимлари қадимий мисрликлар эҳромларни қуришда фойдаланганлари тахмин қилинаётган қурилмиши топишди. Археологлар мисрликлар алабастр олган, Луксор яқинидаги қарьерлардан бирини катта юкларни кўтариш учун қўлланган бўлиши мумкин бўлган пандус изларини топишган. Топилманинг тахминий ёши 4,5 минг йилга баҳоланган. Конструкция марказида қия ҳолдаги майдонча бўлиб, унинг икки томонида зинаполяр ва тешиклар бўлган. Тешикларга ёғоч ходлар тешиқли, улар атрофида арқон ўралган бўлиши мумкин. Кўп тоналик блоклар ёғоч "чана"ларга маҳкамланган. Шундан кейин қурувчилар арқонларни тортиб, блокларни 20 градус бурчак остидаги майдонга бўйлаб суришган. Олимлар аввал ҳам мисрликлар бундай конструкциядан фойдаланган бўлишлари мумкинлигини тахмин қилишган, бироқ бу тизимни илк бор аниқлашди".

Бир сўз билан айтганда, Миср эҳромлари сайёрамизда ҳозиргача сақланиб қолган энг қадимий тош иншоотларидан биридир.

ЭҲРОМЛАР БИЛАН БОҒЛИК ҚИЗИҚАРЛИ ВА АЖОЙИБ ФАКТЛАР

Аксарият одамлар эҳромлар орасида фиръавнлар кўмилган деб ўйлайди. Айтишларича, фиръавнларнинг даҳмалари эҳромнинг ичиди эмас, ундан сал нарироқда Шохлар водийсида жойлашган деган тахминлар ҳам бор...

Немис олимлари Миср эҳромларини кучли энергия манбалари дея ҳисоблашади.

Хеопс эҳромининг қирраларидаги энг юқори оғиш 250 метр узунлиқда жуда борса 5 сантиметрдан ошмайди.

Мўмиларда радиоактив модда бўлганлиги сабабли уларни биринчи бора топган 12 олим саратон касаллигидан вафот этган.

Эҳромлар ичиди ультратовуш, радар, фонар каби техник жиҳозлар ишламайди.

Энг йирик эҳром Хеопс бўлиб, унинг баландлиги 146,6 метр, вази 6 миллион тонна, умумий майдони эса 5 гектарга тенг.

Эҳром асоси тўртбурчак шаклда бўлиб, ёнларнинг ҳар бирининг узунлиги 227,5 метрга тенг. Бу ўлчам бир-биридан ҳатто бир бармоқ кенглиги даражасида ҳам фарқ қилмайди. Демак, Хеопснинг тўлиқ айланчи чиқиш учун бир километрга яқин йўл қилиб ўтиш лозим. Табиат эҳром чўққисини ҳозиргача қарий 10 метрга қисқартирган. Демак, ҳозир 137 метр қолган...

...Сафарга келгунимизча Биринчи Ренессанс даврининг улкан вакили, келиб чиқиши асли қувалик бўлган буюк мутафаккир бобокалонимиз Аҳмад ал-Фарғонийнинг бой мероси ҳақида суҳбатлашган эдик. Айниқса, фидойи ижодкор, сайёҳлик бобида анча шухрат қозонган Давронбек Тожиалиев ташкил этган Ziuo.uz да муҳрланган ал-Фарғоний ҳақидаги куйидаги айрим маълумотларни ўқувчиларимизга яна бир эслатмоқ жоиз деб ўйладик:

"...Ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги энг сўнги ва энг аниқ хабар 861 йил билан боғланади. Мавжуд маълумотлар кўра, у шу йили Қоҳира яқинидаги Равзо оролида нилометрони, яъни Нил дарёси суви сатҳини белгилувчи ускуна ясаган ёки таъмирлаган. Бироқ ал-Фарғоний қандай қилиб ва қандай шaroитда Мисрга бориб қолгани ҳақида ҳам аниқ маълумот йўқ.

Маълумки, ал-Маъмур Марвад Бағдодга нафақат олимлари, балки ғуломлари бўлмиш турк аскарларини ҳам олиб кетган эди. Бағдодга келиши билан у маълум маънода лашкарни турклаштирди: ана шу турк аскарларидан лашкарбошилар тайинлади. Турк ғуломларидан бири бухоролик Тўлуний халифа Сурия, Фаластин ва Мисрдаги лашкарларнинг амири этиб тайинлади. Унинг ўғли Аҳмад эса Сурия ва Мисрни мустақил деб эълон қилиб, Тўлунийлар сулоласига асос солди. Ал-Хоразмий халифа ал-Маъмурнинг яқин одами ва маслаҳатчиси бўлгани каби ал-Фарғоний ҳам Тўлунийнинг яқин одами ёки унинг сарой ахли доира-сидаги кишилардан бири бўлганлиги тахмин қилинади. Бу ҳолда ал-Фарғонийнинг Мисрда пайдо бўлганидан ажабланмас ҳам бўлади.

Ал-Фарғонийнинг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар жуда кам бўлганлигига қарамай, ўрта асрларда Шарқда унинг номи машҳур бўлган. Ибн ан-Надим (X аср), Ибн ал-Қифтий (XII-XIII асрлар), Абул Фаржа Бар Эбрэй (XIII аср), Ҳожи Халифа (XVII аср) каби Шарқ фикришчилари уни ўз асарларида эслатадилар. Ал-Фарғонийнинг асосий астрономик асари "Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нуҷум китоби" ("Китоб ал-ҳаракат ас-самовийа ва жавомъ илм ан-нуҷум") XII асрда Оврупада лотин тилига икки марта ва XIII асрда бошқа Оврупа тилларида ҳам таржима қилингандан сўнг, унинг лотинлаштирилган номи "Алфраганус" шаклида фарбда бир неча аср давомида кенг тарқалди. Унинг бу китоби шу асрлар давомида Оврупа университетларида астрономиядан асосий дарслик вазифасини ўтади. Ал-Фарғоний асарининг лотинча таржимаси биринчи марта 1493 йилда нашр этилган бўлиб, у энг қадимий нашр қилинган китоблардан ҳисобланади. 1669 йили машҳур Голланд математиги ва арабшуноси Якоб Голиус ал-Фарғоний асарининг арабча матнини янги лотинча таржимаси билан нашр этганидан сўнг ал-Фарғоний ва унинг асарининг Оврупадаги шухрати янада ортди. Оврупа Уйғонши даврининг буюк намоёндаларидан бири бўлган машҳур олим Региомонтан XV асрда Австрия ва Италия университетларида астрономиядан маърузаларни ал-Фарғоний китобларидан ўқиган. Ал-Фарғоний номини Данте (XV аср) ва Шиллер (XVIII аср) ҳам эслаган. Оврупа олимларидан Даламбр, Брокельман, Х. Зутер, И. Ю. Крачковский, А. П. Юшкевич ва Б. А. Розенфельдлар ал-Фарғонийнинг ижодини юқори баҳолаганлар.

Ҳозирги кунда ал-Фарғонийнинг саккиз асари маълум бўлиб, уларнинг ҳаммаси астрономияга алоқадор ва бирортаси ҳозирги замон тилларида таржима қилинмаган. Улар куйидагилардир: юқорида тилга олинган асар, одатда уни "Астрономия асослари ҳақида китоб" номи билан ҳам аташади – қўлёзмалари дунё кутубхоналарининг деярли барчасида бор. "Астурлоб яшаш ҳақида китоб" – қўлёзмалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж ва Техон кутубхоналарида, "Астурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб" – биргина қўлёзмаси Рампурда (Ҳиндистон), "Ал-Фарғоний жадваллари" – қўлёзмаси Патнада (Ҳиндистон), "Ойнинг Ер остида ва устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола" – қўлёзмаси Қоҳирада, "Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида" қўлёзмалари Готада ва Қоҳирада, "Қуёш соатини яшаш ҳақида китоб" – қўлёзмалари Ҳалаб ва Қоҳирада сақланади. "Ал-Хоразмий "Зиҳ"нинг назарий қарашларини асослаш" асари Беруний томонидан эслатилади, лекин қўлёзмаси топилмаган.

Фарғонийнинг номи Хоразмий каби бутун Шарқ ва Фарбда машҳурдир. Ўрта асрда табиий-илмий билимларнинг ривожига улкан ҳисса қўшган олим сифатида манбаларда, сўнги фарб ва Шарқ муаллифлари асарларида, Ўзбекистонда ғурур ва ифтихор билан тилга олинади, ўрганилади...

Маълумки, ал-Фарғонийнинг муборак номи ва қолдирган бой меросини ўрганиш юртимизда мустақиллик йилларига келибгина кучайди. Бугунги кунда Ватанимизнинг исталган бурчагида улғу бобомизни ҳамма билади, қадрлайди. Фарғона шаҳридаги улкан майдонда барпо этилган муҳташам ҳайкали пойидан зиёратчилар аримайди, гулларга тўлади.

...Биз ҳам бевосита икки давлат раҳбарлари ташаббуси билан Қоҳира шаҳрининг маркази, шундоқки-на Нил дарёси соҳилида муҳтарам бобомиз Аҳмад ал-Фарғоний шарафига ўрнатилган ҳайкални ва унинг абадиятга дахлдор "ижод махсули" бўлиши ниломер қурилган рамзий бинони зиёрат қилмоқ учун чоғландик. Вақтли борган эканмиз, қулфолғари дарвозалар очилишини сабрсизлик билан кутиб турдик. Албатта, ҳажон босади одами. Яна қаерда, дунёнинг бир чеккаси, Африка қитъасида ўзининг улғу аждодинг қадами етган ва қолдирган мероси турли тилларда ифтихор билан тилга олингандагидек зотни шунча йўлдан йўқлаб келдик. Ниҳоят қоровуллар бизнинг бетаоқат бўлаётганимизни сезиб, оғриниброқ кириш чипталарини қўлимизга тутқизишди. Ичкарини кузатамиз. Дарё бўйи эканлиги учунми, барг-ҳазонлар ҳайкал пойини тўлдирган. Маҳаллий фаррош аёллар бўлса, истар-истамас супурғиларини қимирлатишади. Охири бўлмади. Гуруҳимиз қизлари – таниқли журналистлар Севара Алижонова, Дилором Раҳимова, Гулнора Ғиёсова, Азизахон Солиева, Ўктамон Акбарова, Муаттар Исмоилова секин улар қўлидан супурғини олмаққа уринди. Меъзон аёллар тушунишмади аввалига. Нима қилмоқчи эканлар, демоқчи бўлишди. Орамизда инглизчаку хитой тилидагум бйронгига сўзлашадиган Севарахон "Бизлар Ўзбекистондан, хув, ана шу бобомиз (ҳурмат-эҳтиром ила ҳайкалга ишора қилади) Ватанидан келдик, ўз қўлимиз билан муборак пойларини супуриб қўймоқчи ният қилувдик", дея обдон тушунтирди. Қайда, арабларам анойи эмас-да, меҳмонлар хаёлидан кечган армонли иштибоҳларни сезиб қолишди. Биз ушун ҳам ул зот азиз ва қадрли, ўзимиз ардоқлаймиш, дегандек хижолатомуз тарзда чаққонгина ҳамма ёқни бир пасда супуриб-сидириб қўйишди. Шундан кейингина қалбимиз таскин топди...

Ўзбекистон Ёзувчилар ва Журналистлар уюмалари, қолаверса, бу жамоат ташкилотининг Муҳаммадҷон Обидов бошчилигидаги Фарғона вилоят бўлими ҳамда Миср журналистлари ассоциацияси билан ушбу сафар доирасида ўзаро ахборот ва тажриба алмашув бўйича мулоқот ҳам ташкил этилди.

– Миср Араб Республикасида бугунги кунда 600 дан зиёд босма нашрлар, 101 та телеканал, 200 га яқин интернет сайтлари ишчи фаолият юритмоқда ва уларда 11 мингдан ортиқ журналист мақоми берилган ижодкорлар ишлайди. – деди Миср журналистлари ассоциацияси раиси Халид Балаш. – Эътиборлиси, Ўзбекистондан бизнинг ҳузури-мизга илк марта катта бир гуруҳдан иборат журналистлар келишди. Сизлар билан ижодий ҳамкорликка тайёрлигимизни билдириш баробарида, ал-Бухорий, ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний авлодларининг тарихий ватанига мисрлик журналистларнинг қизиқиши гоят катталигини ҳам таъкидлашни истардим.

Шундан сўнг икки мамлакат оммавий ахборот воситаларининг ўзаро ахборот ва тажриба алмашинувини йўлга қўйиш бўйича ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳужжатга биноан энди ҳар йили уч нафардан ўзбекистонлик ва мисрлик ОАВ вакили тажриба алмашади.

Шу ўринда мазкур нодавлат ассоциация жойлашган саккиз қаватли улкан бино ичкарида ўзимиз гувоҳ бўл-

ган янги, замонавий медиа марказлари фаолияти ҳақида тўхталмоқ жоиз. Тасаввур қилиш қийин: масалан, бўлғуси журналист ана шу жойнинг ўзида танлаган ихтисослиги бўйича ҳам амалиёт ўтайди, ҳам тажриба ўрганади. Дейлик, телевидение ё радиода ишламоқчи, студия, монтаж аппаратлари, барча ускуналар тайёр. Босма нашрлар бўйича ҳам худди шундай имкониятлар яратилган. Мини-киностудия, саҳна, конференц-заллар...ҳаммаси шу бинонинг ичиди!

Бу каби энг сўнги янгиликлар, насиб этса, бизда ҳам рўёбга чиқса ажабмас.

Қадим Қоҳирага сафаримиз қариди. Яна ортга – қарийб 700 км узоқлиқда жойлашган Шарм аш-Шайхга самолётда қайдик. Ана энди нафасни ростлаб, яна ижодий мулоқотга киришамиз, сафар давомидаги қутилган ва қутилмаган ҳолатларни таҳлил қиламиз. Ва табиийки, ҳаммамиз уч-тўрт кун ичиди деярли танаффуссиз уйдагилар, ишхона, ҳамкасблар билан мунтазам боғланиб турган бўлсак-да, юрт соғинчи юракларни ўртаётганини сездириб қўямиз. Ўзимизча, олис сафарда юрсак-да, Ватандаги ўзгарिश-янгиликлар хусусида гурунгимиз қизийди. Ана шунда...

Бизлар каби сайёҳ ва зиёратчиларни кутавериш, кўра-вериб кўзлари пишиб, дийдалари қотиб қолган меъзонларнинг ғайритабиий муомала, ҳаракатлари ва энг асосийси, БОЗОР аталмиш ҳаёт тарзига хос таомилларни таҳлил қиламиз. Ўзимиздаги боқий кадрятлар, ўлмас урф-одатлар ва одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталари ўша жойнинг ўзидагина азиз эканини тушунамиз. Айниқса, биз ўзбеклар қаерга борсак, сафардан қайтаётиб яқинларимизга хориждан бирор совға улашмоқчи кўнглига тугамиз ва арзон-қимматлигига қарамасдан дуч келган дўконга киримиз. Бу ёқлардаям ана шундай "ажаб савдо"ларга гувоҳ бўлдик.

– Бу табиий жараён, жүражон, нега хафа бўласиз, буларнинг ҳаёт-мамоти шу пирамида-эҳром ёки номдор сайёҳлик манзилларидаги дўкон, савдо нуқталарига боғланган, сизу бизга ўхшаган соддадил меҳмонлар ҳолатини чиқариб, савдолашиб, уч-тўрт танга ишлайди-да, – дея кулимсраб изоҳ беради қадрдон устозимиз, дунё кўрган шоир-адиб, сенатор Фармон Тошев. – Қоҳирадаги бозорча ёки Шарм аш-Шайхдаям кўрдигилар-ку, Абдураул Жумакулгаям айтдим, истайсизими-йўқми, менталитет шундай. Бозорнинг шафқатсиз қонунлари одамгарчилик, инсофу диёнатдан баланд туради. Қаранг, бир долларлик йўлга беш доллар сўраяпти ёки йигирма долларлик буюмни охири ўн долларга пуллаяпти. Қанча тортишсангиз, ҳатто жаҳлиям чиқади. Сизу биз журналистмиз, тўғрими, исталган вазиетда ҳам ҳар томонлама ўз юртимиз, хорижий тажрибаларни солиштириб кўрамиз. Хулосага шошилмаймиз. Аслида, қани энди бошқа худудларимиздаги ҳамкасбларимиз ҳам шундай сафар ва пресс-турларда иштирок этишса. Дунёни кўриш керак, умр дегани бир лаҳзалик ганимат фурсат. Уч-тўрт кун ичиди қанча тарихий жойларни зиёрат қилдик, ажайиб суҳбатлар, мулоқотлар бўлди.

Мен – етмишдан ошаётган қаламкаш сифатида сизларга оддий бир ҳақиқатни айттайинми: шунча эллар кўрдим, юртлар кездим. Лекин бирор жойда Ўзбекистондагидек тинч-осойишта, сокин ўлкани ва ўзимизнинг тўпори, оққўн-гил, ҳар қандай ортиқча мулозамат, сохтагарчиликдан баланд турадиган одамларни кўрмадим. Биламан, бу гапларим айримлар учун баланларвоз, сохтароқ туюлар, аммо бориям шу-да. Узоқни қўйинг, Қоҳира жуда катта мегаполис шаҳар, дунёдан қанча миллионлаб саёҳатчилар таппинади бу ёққа. Бирок кўрдигилар-ку ахир, ободончилик, тозалик бобида биздагидек ҳавас қиларли эмас-да, афсус. Ана шундай манзараларни кўрганда ўзимизнинг Тошкент ё Самарқанд ёки бошқа шаҳарларимиздаги кўча-ҳиёбонларни ўз уйддек обод қилиб, ойнадек тозалаб, супуриб-сидириб қўяётган ободонлаштириш идораларининг фариштасифат вакилларининг пешонасидан ўлгим келади. Отасига раҳмат уларнинг. Шундай кезлари барибир яна ўша, ҳақиқий маънодаги халқчил шоиримиз Муҳаммад Юсуфнинг ёниб, ўртаниб битган ушбу сатрлари эсимга туюшаверади: "О, ота маконим, онажон ўлкам, Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга. Сендай меҳрибон йўқ, Сенингдек кўркам, Римни алишмасман бедапоянга..."

Бир ҳафта шамолдай ўтиб кетди десам ёлғон гапирган бўламан. Сафаримиз деярли рисоладагидек ўтди. Лекин хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, бошқаларни билмадим, аммо киндик қоним томган тупроққа беихтиёр оёғим тортаверди. Тушларимга қариб чиқди қишлоқларим, қадрдонларим. Таъбирини кимга айтман? Қизил денгизгами? Билмадим.

Яхшиликда кўришгунча! Сафарлар, зиёратлар яна давом этаверади!
Норқобил ЖАЛИЛОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.
Тошкент – Шарм аш-Шайх – Қоҳира – Тошкент



Боғишамол йўллардан мунтазам фойдаланиш корхонаси

давлат муассасаси жамоаси

*халқимизни 9 май – Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан самимий муборакбод этади.*

*Ватанимиз тинчлиги йўлида ўз жонларини фидо қилган инсонларни хотирлаш,
мустақилликнинг қадрига етиш барчамизнинг шарафли бурчимиздир.*

*Сизларга мустаҳкам соғлик ва омонлик,
хонадонингизга файзу барака, шоду хуррамлик тилаймиз.*

*Йўлларингиз равон, манзилингиз обод бўлсин!
Тинчлик ва бахт юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин!*



ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИ жамоаси

*9 май – Хотира ва қадрлаш куни
муносабати билан барча*

*ватандошларимизни, жумладан, фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа
эгаларини чин қалбдан табриклайди.*

*Ватан – халқ овозлиги, авлодларнинг бахт-савдати йўлида мардлик
ва жасурат кўрсатган инсонларни хотирлаб, Ўлтинчи жаҳон урушида
қозонилган ғалабани муносиб ҳисса кўрилган барча фахрийларга
ўз ҳурмат-эҳтироминини изҳор этади.*

*Юртимиз ободлиги, тинчлиги, фаровонлигига ҳеч қачон кўз төгмасин.
Илимиз таракқиёти ва халқимиз дастурхонининг файзли
бўлишинга ҳисса кўрилишидан асло төгманг, азизлар!*



“Samarqand suv ta'minoti”

АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

*барча юртодошларимизни
9 МАЙ – ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ
муносабати билан самимий муборакбод этади.*

*Иккинчи жаҳон уруши ва қолаверса, фронт ортида чин маънода
қаҳрамонлик кўрсатган мард ва жасур ота-боболаримиз, мунис
момоларимизнинг ўчмас ва ўлмас номлари биз учун ҳамisha
мангуликка дахлдор. Шундай экан, ушбу қутлуғ сана муносабати билан
ўтганларни ёруғ хотиралар билан эслаймиз, ҳақларига дуолар қиламиз ва
ҳаёт бўлган дуоғўй инсонларни қадраймиз, ҳурмат-иззатини жойига
қўймоққа интиламиз. Ниятимиз, Ватанимиз тинч-осойишта бўлсин,
ҳар бир ошладан қут-барака, хотиржамлик аримасин!*



ҲОЖИ МУИН:

АСКАРСИЗ МИЛЛАТ ЖОНСИЗ ГАВДА ҲУКМИДАДИР

/// ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Мамлакатимизда 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниши ушбу сана замиридаги маъно-мазмун чинакамга бойишига хизмат қилди. Фақат Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини эмас, балки Ватанимиз озодлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида заҳмат чеккан барча юртдошларимизни хотирлаш, бугун орамизда юрганларини эса қадрлашимиз учун яна бир имкон яратди. Шу маънода Биринчи жаҳон уруши оғриқлари босилиб улгурмаган, Иккинчи жаҳон уруши алангаси эса ҳали чўғ олмаган бир даврда миллий армия масаласини дадил кўтариб чиққан Ҳожи Муин Шукрулла ўғли фаолиятини ҳам эсламоқнинг мавриди деб билдик.

Ҳожи Муин 1883 йил 19 март куни Самарқанд шаҳри Рухобод мавзеида дунёга келган. Отаси Шукрулло савдогар бўлиб, 32 ёшида вафот этади. Ўн икки ёшида ҳам ота, ҳам онасидан айрилган Ҳожи Муин Рухобод гузари масжиди 1918 йил 13 август сонидан эса Ҳожи Муиннинг "Бизга нима керак?" мақолалари чоп қилинди. Мазкур икки мақолада нафақат муаллифларнинг, балки бутун Туркистон жаҳид тараққийпарварларининг аскарлик, миллий қўшин тузиш бўйича қарашлари илгари сурилган. Жумладан, Ҳожи Муин: "Ҳозирги вазифамизга қараганда бизга энг аввал, аскар керакдир. Чунки ҳозирги дохийий уруш ва инқилоб, хорижий душманларнинг тажовузидан ортиқ бизга қарши хатарли бир ҳолга айланмақдурки, бу урушдан Ватан ва хурриятни кутқариб олоқ учун аскарлик эъри бир қувватга молик бўлмоғимиз мутлақо лозимдир", дейди.

Ҳожи Муин миллатни уйғотиш учун унинг ҳаққоний тарихини яратиб зарур деб ҳисоблайди. Хусусан, 1915 йили "Ойна" журналида чоп этилган "Миллий тарих ҳақида" мақоласида тарих ёзиши беғоналарга эмас, "туркистонийлар"нинг ўзларига ҳавола қилади. Бунинг учун жиддий ғайрат ва шижоат лозимлигини, барча зиёлилар бу ишга астойдил киришсалар, бирор натижага эришиш мумкинлигини таъкидлайди. Амалий ташаббус билан чиққан публицист халқ қалбида ифтихор ва ғурур ҳиссини уйғотади.

Ҳожи Муин Шукрулла ўғли 1916 йил 2 ноябрда самарқандлик сафдошлари Абдуқодир Шакурӣ ва шоир Фахриддин Рोजий билан мардикорликка олиниб, Минск губерниясининг Новоборисов шаҳри яқинидаги ўрмонларда дарахт кесиш, хандақ қазиларига буюрилади. 1917 йилнинг майида, февраль ўзгаришидан ишлади, сўнг 1918 йилнинг 11 июнидан "Меҳнаткашлар товуши" газетасини йўлга қўяди.

Туркистон келажаги учун Фарғо-

на водийсида ҳаёт-мамонт жанглари бошланган бир вақтда газетанинг 1918 йил 2 август сонидан Маҳмудхўжа Бехбудийнинг машҳур "Галла, аскарлик, ер ва тазминоти ҳарбия" мақоласи, "Меҳнаткашлар товуши" газетасининг 1918 йил 13 август сонидан эса Ҳожи Муиннинг "Бизга нима керак?" мақолалари чоп қилинди. Мазкур икки мақолада нафақат муаллифларнинг, балки бутун Туркистон жаҳид тараққийпарварларининг аскарлик, миллий қўшин тузиш бўйича қарашлари илгари сурилган. Жумладан, Ҳожи Муин: "Ҳозирги вазифамизга қараганда бизга энг аввал, аскар керакдир. Чунки ҳозирги дохийий уруш ва инқилоб, хорижий душманларнинг тажовузидан ортиқ бизга қарши хатарли бир ҳолга айланмақдурки, бу урушдан Ватан ва хурриятни кутқариб олоқ учун аскарлик эъри бир қувватга молик бўлмоғимиз мутлақо лозимдир", дейди.

Ҳожи Муин халқни озодликка тарғиб қилиб, бирлашишга чорлаб: "Дунёда золим остинда номуссиз яшамақдан ҳуқуқ ва хуррият йўлида номус билан ўлмақ минг марта яхшироқдир. Эй, Туркистон халқи! Оёқга тур! Душманларингни бос! Юртингни сақла! Эй, туркистонли турк ўғли! Яроғингни ол! Ёвингни от! Хурриятингни сақла!" деб бонг уради. Кейинги мақоласида эса: "Аскарсиз миллат жонсиз гавда ҳукмидадир. Ўзининг ерлик халқидан аскарли бўлмаган бир зўр рўллар уйнайдургон бир кучдир. Ҳар бир енгил ва енгилшнинг боиси аскардир", деб уқтирган.

Ҳожи Муин "Зарафшон" газета-

сининг 1923 йил 21 июнь сонидан босилган "Аскарлик тўғрисида" мақоласида миллий армиянинг қудрат белгиси эканини тарихий далиллар билан асослар экан: "Николайни тахдан туширган – аскар, шўролар ҳукумати бу кунгача муҳофаза қилиб келган ҳам аскар бўлади. Туркистон турклари ҳам бир вақт урушқоқликда мумтоз ва машҳур эдилар. Фақат бу сўнги асрларда ўзларининг аскарлик кучларини Оврупа жаҳонгирларига қарши ташламай, ўзаро урушга сарф этдилар. Охири, уларнинг юртимизни истило қилишлариға сабаб бўлдилар. Шунинг учун бундаги халқда бора-бора аскарлик руҳи сўниб кетди", дейди. 1918 йили бошланган ҳарбий хизматга олиш ишлари тўғри ташкил қилинмай, ёшларнинг мажбурий равишда аскарликка олиниши халқнинг норозилигиға сабаб бўлганини, аскарларнинг армиядан оммавий қочиб кетиши ҳолатлари юзага келганини "Халқнинг аҳоли руҳияси билан ҳисоблашмаганимиз учун бу тўғрида зўр хато қилдик. Ушал вақтда фақат ихтиёрий суратда аскар олғонимизда, ҳозиргача ўн мингларча мунтазам аскарға эга бўлур эдик", дея очиклади.

Ҳожи Муин 1923 йили ҳукуматда яна аскарликка олиш масаласи кун тартибига қўйилганини айтиб, илгари хатоларни тақрорлашқоқликка чакрар экан: "Ана буюн яна ерлик халқдан аскар олиш масаласи кўзгатилуб турадир. Ўртоқ Троцкий ҳам ўзининг мактубида "ерлилардан секин-секин аскар олиш керак" мазмунда бир-икки сўз ёзиб ўтадир. Шундан ҳам маъна Лекин бу дафъа қайси равишда, қандай шароит билан аскар олинадур? Бу ҳам билгулик эмас. Шояд бу тўғрида ҳукуматнинг юқори доираларида кенгаш ва музокаралар бўлиб турғондир. Ҳар ҳолда, бу дафъа аввалги хатолар тақрор воқеъ бўлмас, деб ўйлаймиз", дея фикрини тугаллайди.

Ҳожи Муин аскарликка олиш бўйича кўйидаги таклифларни беради: "Ҳарбий хизматга олиш тартибли ва кучлик ташвиқотдан сўнг мажбурий эмас, ихтиёрий суратда бўлиши лозим; аскарлик хизматининг мудда-

тини қисқартириш керак; ҳарбий хизмат билан боғлиқ қонун ва қоидалар енгиллаштирилиши шарт; ерлик халқдан зобитлар етиштириш учун Туркистоннинг ҳар бир шаҳрида аскарлик курс ва мактаблар очил керак; аскарларнинг маишатларини яхши таъмин этиш ва баъзи урф-одатларға мудохала қилмаслик ва ўзларини Туркистондан бошқа давлатға юбормаслик каби қоида ва ён беришлар эълон қилиш лозим". Ҳожи Муин ҳукумат шу тавсияларни инобатға олса, "Аскарликка олиш муваффақиятли чиқиши, шунинг билан баробар ҳар бир кўнгилли аскарға ўз яқинларидан икки кишининг кафил бўлиши ёки шунга ўхшаш бошқа бир тадбир шарт қилинса, келгусида ул аскарнинг қочилиши ва ё ҳукуматға қарши хиёнат қилмаслиги учун бир амният ҳосил бўлур эди", деб уқтиради.

Ҳожи Муин 1920 йилнинг 1 январидан "Меҳнаткашлар товуши" газетасига илова сифатида "Таёқ" номи кулгили журнал чиқаради. 1922 йилдан "Зарафшон" газетасининг таҳририятида ишлаб, 1924 йилнинг 1 июнидан унга кўшимча бўлиб чиққан "Машраб" кулгили журналиға асос солади. У советларнинг саводсизликка қарши кураш йилларида яна муаллимлик соҳасига қайтиб, 1925 йили "Ўқитғуви", "Раҳбари бесаводон" алифболарини тузади. 1926 йилдан "Овози тожик" газетасига адабий ходим ва мусахҳиҳ бўлиб ишға ўтади.

Туркистон жаҳидларининг отаси Маҳмудхўжа Бехбудийнинг сафдоши Ҳожи Муинга нисбатан совет маъмурлари ҳамиша ишончсизлик назари билан қаради. 1929 йили "Овози тожик"да техник хатого йўл қўйган, деган баҳона билан ГПУ томонидан Сибирнинг Капек округи Пугачан райониға сургун қилинади. 1932 йил сургундан ватаниға қайтган, 1932–1934 йиллари Ўзбекистон давлат нашриётида адабий ходим, 1934–1937 йиллари 19-Ўзбек тоғ-отлик дивизиясининг нашри афкори бўлган "Қизил юлдуз" ҳарбий газетасида ишлади. Газетанинг кенг омма орасида машҳур бўлиб кетишида тажрибали публицист Ҳожи Муиннинг ҳам катта хизмати бор эди. Мусахҳиҳлик фаолияти унга яна



бахтсизлик олиб келади. "Отишга ҳукм этилган халқ душмани Муралов" исм-фамилияси ўша йилларнинг доврўкли арбоби Молотов номи билан алмашиб кетади. Ҳожи Муинни бу ишнинг онгли равишда қилганликда айбонлаб, 1938 йил 24 январь куни Собик иттифоқ жазо идоралари яна қамоққа олади. НКВД қошидаги маъму "учлик" томонидан "Аксилшўравий тарғибот билан шуғулланганлик", "жосуслик, бузғунчилик", "инглиз разведкасиға хизмат этганлик" каби тўқима айбонлар билан 10 йилға қамоққа ҳукм қилади. Маълумотларға кўра, Ҳожи Муин 1942 йилнинг 21 июлида Перм областининг Соликамск шаҳрида вафот этган. Халқимизнинг буюк фарзанди, жаҳид бобоқалонимиз Ҳожи Муиннинг номи 1963 йили оқланди.

Айтиш мумкинки, Туркистон жаҳидлари ёшларни ҳарбий хизматға жалб қилиш, миллий қўшин тузишнинг ҳуқуқий асосларини яратиб борасида етарли илм ва тажрибаға эга бўлган. Улар аскарлик – Ватан учун буюк хизмат эканини эътироф этган ҳолда,

ёшларни ҳарбий хизматға жалб этишнинг халқнинг орзу-истаклари билан уйғун ҳолда олиб боришни муҳим деб билган.

Туркистон тараққийпарварларининг етакчиларидан бўлган Ҳожи Муин том маънода ватанпарвар, кўрқмас ва шижоатли журналист эди. "Меҳнаткашлар товуши" газетасининг 1919 йил 23 январь сонидан мақоласида "Бизлар ҳеч кимға ҳушомадгўйлик қилмаймиз ва ҳеч кимдан кўрқмаймиз. Бизлар виждон ва номусимизни пулға сотмаймиз. Бизнинг дўстимиз ва маъшуқимиз ёлғиз ҳақиқат бўлгонлиги учун ҳақиқат ва тўғрилиқдан бошқа ҳеч кимни риоя этмаймиз. Тўғрилиқ йўлида бўхтон, ҳибс ва ҳатто ўлимдан ҳам кўрқмаймиз. Тўғрилиқ ва муқаддас маслакимиз йўлида курбон бўлмоқнинг ўзимиз учун бир шараф деб биламиз", дейди.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

Оуйна.uz порталидан қисқартириб олинди.

Biznesni Rivojlantirish Banki

"QUANT" mobil ilovasi

- Uzcard, Visa, Humo kartalari o'rtasida pul o'tkazish
- Valyutani onlayn sotib olish
- Internetda kartalar, omonatlar va hisoblarni boshqarish

Bank yo'lingizda emas, qo'lingizda bo'ladi!

9 - MAY

XOTIRA VA QADRLASH KUNI BILAN!

www.br.buz
1254

Хизматлар лицензияланган!

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХУЖАЕВА

Дилшод ШОУМАРОВ
Сирожиуддин САЙИД
Ақшагил ТУЛЕГЕНОВА

Нодир ЖУМАЕВ
Шухрат АСЛОНОВ
Насимжон АЛИМОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:
қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги)нинг 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонда чоп этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Бюджет рақами: Г – 545
Адади: 4900
Баҳоиси келишилган нарҳда. Топширилди – 20:20

Таҳририятға келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларға қайтарилмайди.

© "XXI asr" дан олинган маълумотларға манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи: Маъруфжон Раҳмонов
Дизайнер: Муҳаммадхон Юсупов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ